


ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА ЎЛИМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ИЕРАРХИЯСИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-306-314

Шамсиева Шохистахон Қудратуллаевна
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Хитойшунослик факультети
Хитой тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, PhD
shohistaxon81@mail.ru

Аннотация Хитой ва ўзбек тилларида энг кўп эвфемалашган концепт бу – ўлим концепти билан боғлиқ эвфемик воситалар ҳисобланади. Мазкур мақолада, ушбу тушунчанинг турли қирраларини намоён этадиган эвфемизмларнинг ҳосил бўлишида ҳар икки халқнинг этномаданий қарашлари таҳлилга тортилган. Бу мавзудаги хитой тили эвфемизмларида конфуцийчилик, ўзбек тили эвфемизмларида Ислом дини билан боғлиқ ассоциациялар аниқланган. Хитой тили эвфемизмларининг қўлланишида кишининг ижтимоий мақоми ҳам эътиборга олинган.

Калит сўзлар: иерархия, синфий муносабатлар, ижтимоий мақом, лингвомаданият, дунёвий эвфема

Annotation The most euphemistic concept in Chinese and Uzbek is the euphemistic means associated with the concept of death. This article analyzes the ethnocultural views of both peoples in the formation of euphemisms that reflect different aspects of this concept. Confucianism is identified in Chinese euphemisms, and associations with Islam are identified in Uzbek euphemisms. In the use of Chinese euphemisms, one's social status is also taken into account.

Keywords: hierarchy, class relations, social status, linguoculture, secular euphemism

Ўлим билан боғлиқ эвфемизмларнинг қўлланилишида иерархиянинг борлиги аслида кундалик ижтимоий муносабатларнинг иерархиклигидандир. Бунда кишининг ёши, мансаби, жинси ва ўлимнинг тури асосий омил ҳисобланади. Эвфемизмлар қўлланиш иерархиясига кўра қуйидагича:

Мансабдор ва катта ёшли кишиларга нисбатан қўлланадиган эвфемизмлар. Хитой тили луғатларида 750 (28,2%)дан ортиқ ўлим билан боғлиқ эвфемизм мавжуд, бироқ бугун уларнинг ҳаммасидан нутқдан фойдаланилмайди. Шундай бўлса ҳам, қадимги хитойликларнинг лисоний тафаккурини, қадимги Хитойдаги синфий муносабатларни акс эттиради. Қадим Хитойда император ёки давлат хизматчисининг ўлимини очиқ айтиш ножоиз саналган. Ҳар бир табақа вакиллари учун алоҳида эвфемизмлар шаклланган ва бу, ўз навбатида, мазкур гуруҳдаги эвфемизмларнинг сони ортишига сабаб бўлган¹. Масалан, императорнинг ўлими 崩 bēng, ҳокимнинг ўлими 薨 hōng, хизматчининг ўлими 卒 zú, ҳарбий мансабдорнинг ўлими 不禄 bùlù, оддий одамнинг ўлими 死 sǐ [ХТЭЛ] дейилган. Ижтимоий мақомга қараб эвфемизмлардан фойдаланиш маданияти шаклланган.

Феодал жамиятда синфийлик жуда кучли бўлган. Кишилар кундалик муомалада ўта эҳтиёткор бўлганлар. Айниқса, “ўлим” бу даврда камдан-кам тилга олинадиган мавзу бўлгани туфайли кишилар ўлим билан боғлиқ сўзларни қўлламасликка ҳаракат қилганлар, эвфемизмларни шундай эҳтиёж юзага келтирган.

Хитой лингвомаданиятида мансабдор шахслар ва ёши улуғ кишилар ўлимини ифодаладиган куйидаги эвфемизмлар мавжуд: 殂 cú (рихлат қилиш), 中道崩殂 zhōngdàobēngcú (умр йўлининг ярмида дунёни тарк этиш (императорларга нисбатан), 卒 zú (вақт қазоси етди, умри тугади, қадимда амалдор ёки ёши улуғ кексалар ўлганда, шу иероглифдан фойдаланилган, 星陨 xīngyǔn – бошланғич маъноси “осмондан юлдуз учиши” (буюк, машҳур шахсларнинг дунёдан кетиши), 逝世 shìshì – одатда, юқори мавқега эга шахсларнинг ўлимида ишлатилади, 宾天 bīntiān – ўзи учун ҳурматли инсон вафот этганда ишлатиладиган сўз, 辞堂 cí táng – она ёки буви (онанинг онаси) вафот этганда қўлланилади.

Ўзбек тилшунослигида ўлим билан боғлиқ эвфемизмлар маъносига кўра *диний* ва *дунёвий*га ажратилади: “Диний эвфемалар кўпроқ жоннинг мавжудлиги, танадан чиқиб кетиши, у дунёга – Худо ҳузурига бориши, жаннат ёки дўзахдан жой олиши каби тушунчалар асосида пайдо бўлган. Диний эвфема кўпроқ диндорлар нутқига хос бўлиб, бу вазифада *омонатини топширмақ, мусулмончилик қилмоқ, бандаликни бажо келтирмақ, жон бермоқ, дунёи*

¹ Чжан Ч. Кўрсатилган диссертация. – Б.70, 143.

фонийдан дунёи бақога рихлат қилмоқ, дорулфанодан дорулбақога сафар қилмоқ, у дунёга (нариги дунёга, чин дунёга) кетмоқ, Аллоҳ ҳузурига (даргоҳига) бормоқ, Аллоҳ (тангри, худо, ҳақ) раҳматига олмоқ каби эвфемалар қўлланилади”².

Олимнинг фикрича, бир гуруҳ эвфемизмлар давр ўтиши билан дунёвийлашади. “Бу вазифада вафот этмоқ, қазо қилмоқ, кўпга қўшилмоқ³, юраги уришдан тўхтамоқ, ҳаётдан кўз юммоқ, абадийликка бош қўймоқ, орамиздан кетмоқ, нафаси тўхтамоқ (узилмоқ), абадий уйқуга кетмоқ, нобуд бўлмоқ, ҳалок бўлмоқ, йўқолмоқ, қурбон бўлмоқ, ҳаёт йўлига якун ясамоқ, ҳаёт билан видолашмоқ каби эвфемалар қўлланилади”⁴.

Ўзбек лингвомаданиятида эвфемизмни кишининг ижтимоий мақомига қараб ишлатиш хитой лингвомаданиятидек бўлмаса ҳам, мавжуд. Жумладан, машҳур шахслар, мўътабар инсонларнинг ўлимини билдиришда қуйидаги эвфемизмлардан фойдаланилган: *доҳили раҳмат бўлмоқ, оламдан ўтмоқ, олами фонийдин олами бақога интиқол қилмоқ, Раҳматуллоҳга уланмоқ, рихлат қилмоқ* каби. Кузатинг: *Тақсиримнинг доҳили раҳмат бўлганларига икки кун бўлди* (“Ислом нури” журналидан); *Ул зот жаҳондан гузар айлагач, шогирдлари...* (Темурнома); *Отахон, уч кун бурун волидамиз оламдан ўтган эди* (С.Сиев. Саратонда қор ёғди); *Дерларким, Амир Темур тарихнинг... сана саккиз юз саккизда (1405 й.) олами фонийдин олами бақога интиқол қилдилар* (Темурнома); *Ўша куни Шайх муҳораба қилиб, раҳматуллоҳга уланиб эрдилар* (Темурнома); *Бир неча дақиқадан кейин бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилади* (Саид Аҳмад. Киприкда қолган тонг).

Оддий одамларга нисбатан қўлланадиган эвфемизмлар. Хитой ва ўзбек тилларида машҳур бўлмаган кишиларнинг ўлими учун ҳам фарқли эвфемик воситалардан фойдаланилади. Бунинг сабаби ҳар қайси жамиятда киши социал мақомининг ҳар хиллиги бўлиб, одамлар шу ижтимоий мақомга мос бирликларни ишлатадилар, шу тарика тилларда ижтимоий мақомга мос бирликларни қўллаш маданияти шаклланади. Хитой тилида 死了 – “вафот этмоқ”, 我死了以后 Wǒ sǐ le yǐ hòu – “дунёдан ўтмоқ”, 就断气了 Jiù duànqì le – “нафаси тўхтабди” сингари фразеологизмлар ёки 委化 wěihuà – табиат қонуни тушунчасида, дунёдан ўтган одамга нисбатан, 与世长辞 yǔ shì cháng cí – севган

² Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 100-101.

³ Кўпга қўшилмоқ фразеологизмининг “ўлмоқ” маъносини англатиши жуда кам учрайди, у, асосан, умумий маънода қўлланади.

⁴ Омонтурдиев А. Кўрсатилган диссертация. – Б. 101.

инсоннинг ўлимига нисбатан ишлатилади. Мисолларни кузатинг: 有个姓张的人突然去世了, 鬼魂跟着阴曹地府的差役悠悠地来到阎王面前。 Yǒu gè xìng zhāng de rén túrán qùshìle, guǐhún gēnzhe yīncáo dìfǔ de chāiyì yōuyōu de lái dào yánwáng miànqián – *Жан фамилияли бир одам тўсатдан оламдан ўтибди. Нариги дунёнинг элчиси унинг руҳини дўзах ҳукмдорининг олдига олиб кетиш учун келибди* (Ж.Зиямухамедов. Гуноҳ); 道士来到外屋, 躺在床上, 不一会儿, 就断气了。 Dàoshi lái dào wài wū, tǎng zài chuángshàng, bù yīhuǐ'er, jiù duànqìle – *Роҳиб ён хонага чиқиб тўшаққа ётибди. Бироз вақтдан кейин эса роҳибнинг нафаси тўхтабди* (Ж.Зиямухамедов. Енг ичидаги никоҳ аҳди); 天亮以后, 陈氏叫王生的二弟跑去告诉那个道士。 Tiānliàng yǐhòu, chén shì jiào wáng shēng de èr dì pǎo qù **gàosù** nàgè dàoshi – *Тонг отгандан сўнг Чэн Вангнинг укасини чақирибди ва унга бу кўнгилсиз хабарни роҳибга дарҳол етказишни буюрибди* (Ж.Зиямухамедов. Ниқоб).

Ўзбек кундалиқ турмушида кишининг ўлими аксарият ҳолларда куйидаги эвфемик воситалар ёрдамида ифодаланади: *ўтиб қолмоқ, бандалиқ қилмоқ, вафот этмоқ, омонатини топширмоқ, Худо омонатини олмоқ, дунёдан кетмоқ // дунёдан ўтмоқ, бўлмабди* каби. Мисолларни кузатинг: *Бир вақтлар маданият уйида ишлаб, рўзномага ўтиб кетмиш одам бандалиқ қилди* (Тоғай Мурод. Момо ер кўшиғи); *Кўшимизнинг аёли бўлмабди* (“Оила ва жамият” газетаси, 1992, 12 май); *Бир ҳамшаҳаримизнинг тоғаси вафот этибди* (Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси); *Чол ўғилларига насиҳат қилгач, бу дунёдан кетди* (“Ўзбек халқ эртақлари”дан); *Бир кечаси амаким ... хўрсиниб, ҳамма кутиб турган гапни айтди: “Худо омонатини олди”* (Абдулла Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар).

Болалар ва ёшларга нисбатан қўлланадиган эвфемизмлар. Хитой лингвомаданиятида 殤 shāng ёки 夭 yāo иероглифлари, асосан, ёш, 20 ёшга тўлмай нобуд бўлганларга нисбатан ишлатилади. 殤 shāng ва 夭 yāo иероглифлари биргаликда келганда 夭折 yāozhé “ёш нобуд бўлди” маъносини беради ва “ўлди” деган нохуш ассоциацияни яхши беркитади. 殤 shāng иероглифи бошқа иероглифлар билан бирикиб, 20 ёшгача бўлганларнинг ўлимини эвфемик ифодалайди. Масалан: янги туғилган чақалоқ ўлганда 杏殤 xìngshāng, 2/5 ёшда ўлганларга 中殤 zhōngshāng, 8/11 ёшда ўлганларга 下殤 xiàshāng, 16/19 ёшда ўлганларга нисбатан 长殤 chángshāng сингари эвфемик воситалар қўлланади. 30 ёшга тўлмай вафот этган шахсларни ифодалашда 夭

yāo, 天亡 yāowáng “бевақт ўтибди”, 短折 duǎnzhé (ёшгина кетибди) каби эвфемик иборалар истифода этилади.

Шунингдек, ҳаётдан эрта кетган шахсларга 完了 wánle – “ниҳоясига етди”, 吹灯了 chuīdēngle – “чироғи ўчди”, 见鬼去玩完了 Jiànguǐ qù wán wánliǎo – “кўнгилсизликка учради” сингари эвфемик иборалар ҳам ишлатилади.

Ўзбек лингвомаданиятида *гул тергани кетмоқ, ҳур кетмоқ, ҳур бўлмоқ, ёш кетмоқ* фразеологизмлари болалар ва ёшлар ўлимини эвфемик йўл билан англатади. Мисолларни қиёсланг: *Чақалоқ ёшига етмади ... гул тергани кетди* (Сўзлашувдан); – *Ҳа, энди умри калта экан. Ҳур кетди*, – *деди* (Тоҳир Малик. Шайтанат) *Кўшимизнинг чақалоғи ҳур бўлибди* (Сўзлашувдан). Қолаверса, *нобуд бўлмоқ, увол кетмоқ* бирликлари ҳам “ўлди” тушунчасини эвфемик воқелантиради: *Агар боласи нобуд бўлмай, уни бағрига боса олганида эди* (Тоҳир Малик. Шайтанат); *Бекор увол кетибди. Эшитмаган эканман. Худо раҳмат қилсин* (Тоҳир Малик. Шайтанат).

Ҳаётдан бевақт ўтганда қўлланадиган эвфемизмлар. Хитой ва ўзбек тиллари соҳиблари бевақт ўлимни ифодалаш учун алоҳида тил бирликлари фойдаланадилар. Бу каби эвфемизмларнинг ҳосил бўлишига (болалар ўлимида ҳам шундай) ўлимнинг ўлим ёшида бўлмашганларда рўй бергани сабаб бўлган. Масалан: 早夭 zǎoyāo (барвақт кетиш, қисқа умр кўриш), 暴卒 bàozú (кўққис ўлим), 溘逝 kèshì / 溘然 kèrán / 溘谢 kèxiè / 溘至 kèzhì (бевақт, тўсатдан ҳаётдан кетиш), 病故 bìnggù (бедаво касалликдан эрта ўлиш), 殁 mù (очликдан вафот этиш, ҳозир қўлланмайди) кабилар.

Ўзбек тилида “бевақт ўлим”ни англатадиган *бевақт кетмоқ, пешонасига сизмаслик, умри қисқа экан, ҳаётдан барвақт кетмоқ, ҳаётдан эрта кетмоқ* каби эвфемик бирликлар ишлатилади. Масалан: – *О, жигарим, дунёдан бевақт кетган дўстим, очилмай сўлган синглим* (Р. Ҳайдарова. Жавзо); ...*Умри қисқа экан, пешонамизга сизмади* (Ҳамид Ғулом. Туғилиш); – *Умри қисқа экан-да... Яна ҳам шунча яшади* (Тоҳир Малик. Шайтанат).

Ҳалок бўлганда қўлланадиган эвфемизмлар. Урушда ёки фавқулодда ҳолатда ҳалок бўлганликни билдириш учун хитой тилида куйидаги эвфемик воситалардан фойдаланилади: 捐躯 juānqū (...учун ўз жонини бермоқ), 殉职 xùnzhi (хизмат вақтида қурбон бўлмоқ), 殉节 xùnjié (ўз шаънини оқлаш учун қурбон бўлмоқ), 弃捐 qìjuān, 舍弃 shěqì (ҳаётини қурбон қилмоқ) кабилар.

Ўзбек тилида эса *жонини фидо қилмоқ, шаҳид бўлмоқ (кетмоқ), қурбон бўлмоқ, ҳалок бўлмоқ* каби эвфемик хусусиятли иборалар қўлланади. Қиёсланг:

Жанга кирдим, жон фидо этдим ватан тупроги деб (Э.Воҳидов. Ёд этинг) *Зафарбек шаҳид бўлгач, Муҳаммадризо унинг омонатини кенжаси Жаҳонгирга ишонди* (Тоҳир Малик. Сўнгги ўқ); *Жаҳолатнинг ҳукми билан Қурбон бўлди буюк зот* (Э.Воҳидов. Жаҳолат тўғрисида ривоят); *Менинг бобом ҳам шу ерларда ҳалок бўлган эканлар* (Тоҳир Малик. Ов).

Аёллар ўлимига нисбатан қўлланадиган эвфемизмлар. Хитойликлар турмуш тарзида оила ва оилавий муносабатларга алоҳида ўрин берилади. Масалан, бола онани ҳурмат қилиши, хотин эса фақат ягона эрини севиши керак. 烈女不嫁二夫 liè nǚ bù jià èrfū – ҳақиқий аёл икки марта турмушга чиқмайди, яъни эрини йўқотган аёл умр бўйи мотам тутади. Хитойликлар онасини йўқотган оилага нисбатан 妻离子散 qī lízǐ sàn (хотини кетди, болалари етим қолди), – дейишади⁵.

Аёллар ўлими кўпроқ аёлликка ишора қилувчи тушунчаларни қатнаштириб ифодаланади. 蕙损兰摧 huì sǔn lán cuī ифодаси, одатда, аёлларнинг ўлимини ифодалашда ишлатилади. 香消玉沉 xiāng xiāo yù chén (хушбўй ифор йўқолиб, нефрит тоши қорайди), яъни балоғат ёшидаги гўзал қизнинг эрта вафоти англатилади. 玉殒香消 yù yǔn xiāng xiāo – ёш ўсмир қизлар ўлимига нисбатан қўлланади.

Ўзбек тилида хотин-қизлар ўлими *хазон қилмоқ, гул сўлмоқ, очилмай сўлган гунча, қиз кетмоқ* иборалари билан эвфемик ифодаланади: *Шайтанат олами ...Зелихондек, Чувриндидек мард йигитларни адо қилди, бевақт хазон қилди* (Тоҳир Малик. Шайтанат); *Йиглай беринг канизларим, қизил гул сўлган ўхшайди* (А.Мелибоев. Қирқ бешинчи бекат); – *Бола бечора қиз кетди, у дунёда ҳурларга қўшилиб кетади* (Абдулла Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар).

Хитой ва ўзбек тилларидаги ўлим билан боғлиқ умумий, ўхшаш эвфемик фразеологизмлардан бири 谢世 xièshì бўлиб⁶, худди шу маъно ва коннотация ўзбек тилидаги *ҳаёт билан видолашмоқ* фразеологизмида бор. Масалан: – *Мен Зуннуний билан учрашмоқчиман. – Ердаги ҳаёт билан видолашганингдан кейин учрашасан* (Тоҳир Малик. Шайтанат).

Шуни унутмаслик керакки, исломий ақидаларга кўра, ўлим – бу абадий роҳатга, фароғатга эришмоқдир. Киши фоний дунёни тарк этар экан, нариги дунёда доимий фароғатда яшаши мумкин деган ақида бор. Шу сабабли ўзбек тилидаги диний матнларда ўлим тушунчасининг биз айтган ақидага асосланган

⁵ Бахтина Е.В. Концепт «женщина» в языковой картине мира китайцев // <https://e-koncept.ru/2014/54478.htm>

⁶ Чжан Ч. Кўрсатилган диссертация. – Б. 93.

эвфемистик ифодалари кўп учрайди. Масалан, *боқий дунёга кетмоқ, ҳақиқий ҳаётга йўл олмоқ, ёлгон дунё мушуқларидан қутулмоқ, абадий фароғатга эришмоқ* кабилар.

Хитой ва ўзбек тилларининг ўлим концепти билан боғлиқ эвфемизмларининг қўлланишида иерархиклик бор. Аммо бу хусусият хитой тилида устувор, ўзбек тилида эса у қадар етакчи хусусиятли эмас. Мазкур тилларда иерархик қўлланишдаги эвфемизмларнинг ҳосил бўлиши кундалик ижтимоий муносабатларнинг иерархиклигидандир. Бунда кишининг ёши, мансаби, жинси ва ўлимнинг тури асосий омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Madayev O., Sobitova T. Xalq og‘zaki poetik ijodi. –Toshkent.: Sharq, 2010. –B. 20-21.
2. Usmanova Sh., Rixsiyeva G. Madaniyatlararo muloqot. O‘quv qo‘llanma. –Toshkent: ToshDSHI, 2018. –B.138
3. Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди ... дисс. –Тошкент: 1997. –Б.100-101.
4. Чжан Чань. Эвфемизация в русском и китайском языках: лингвокультурологический и лингвопрагматический аспекты. Дисс. ... канд. филол.наук. –Волгоград, 2013. –С.70, 143.
5. 邵军航, 汉语委婉语研究, 上海, 2010 年
6. Actual questions of China studying: Philology, philosophy, politics, economy and history. Составитель и главный редактор А. Каримов Ташкентский государственный институт востоковедения-2010.
7. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
8. Омонов, К. Ш. (2019). Stereotype phrases and their place in providing formality to the text. *Молодой ученый*, (28), 259-261
9. Nasirova, S. A. (2020). CONCEPTS OF 中国 梦想" CHINESE DREAM" AND 类 命运 共同" COMMUNITY OF THE ONE FATE OF HUMANITY"—A LINGUISTIC AREA. *Journal of Central Asian Social Studies*, 1(01), 05-14.
10. Хашимова, С. (2019). On some features of teaching foreign language for students of non-philological areas at the initial stage. *Евразийское Научное Объединение*, (1-6), 334-338.

11. Халмурзаева, Н. Т. (2020). ТИПОЛОГИЯ ЯПОНСКОГО КОММУНИКАТИВНО-ДЕЛОВОГО ЭТИКЕТА. *Вестник науки и образования*, (14-2 (92)).

12. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'plam № 2/ma'sul muharrir MA Rahmatullaev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 б., 29.*

13. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.

14. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10

15. Mirzakhmedova, K. V. (2021). Comparative Analysis of General Words-Terms In Persian and Uzbek Languages. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 1050-1056.

16. Omonov, Q. S. (2019). THE WAYS OF OFFICIALISATION OF THE DOCUMENTS AND THE PROBLEM OF LEGITIMIZATION OF THE TEXT. *Научные вестни*, (7), 43-51.

17. Abdullaevna, N. S. (2020). Lexical-semantic and cognitive specifics of political discourse (based on si jinning's speeches). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1086-1092.

18. Abdullayevna, H. S. (2020). Peculiarities of the formation of animated non-significant using suffixing in the modern chinese language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1504-1511.

19. Khalmurzaeva, N. T. (2020). Peculiarities of intercultural understanding in Uzbek and japanese verbal communication. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1473-1481.

20. Abbasi, S., & Mirzakhmedova, K. (2021). THE CULTURAL COMMONALITIES OF IRAN AND UZBEKISTAN (From the perspective of the Persian language and literature history). *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 1-8.

21. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION

OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.